
Ўзбекистон-ижтимоий давлат, деб белгиланмоқда!

Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон жамиятининг ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу иш мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

Туман ҳокимлиги катта мажлислар залида сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, ташкилот, муассаса раҳбарлари, МФЙ раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ҳамда хотин-қизлар фаоллари иштирокида 30 апрель куни ўтказиладиган Умумхалқ референдуми ҳамда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳияти тарғиботи бўйича семинар ўтказилди. Тадбирни туман ҳокими Дилшоджон Джалилов олиб борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Мамажонов, туман адлия бўлими мудирини Зухриддин Бўтабоев сўзга чиқишиб, референдум нима, Конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, Конституция янгиланишига сезилган зарурат каби муҳим масалалар юзасидан тушунчалар бердилар.

2023-03-28 15:30:02